

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМЕДОВА ФИРУЗА САИДОВНА

**НОФАОЛ ГИПОФИЗ АДЕНОМАСИНИНГ НАСЛИЙ МОЙИЛ
БЕМОРЛАРДА ПАТОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хамедова Фируза Саидовна

Нофаол гипофиз аденомасининг наслий мойил беморларда патологик
ривожланиш механизми 3

Хамедова Фируза Саидовна

Прогностическая значимость функции эндотелия у больных
неактивной аденомой гипофиза с генетически ассоциированным
семейным анамнезом..... 23

Khamedova Firuza Saidovna

Prognostic value of endothelial function in patients with inactive
pituitary adenomas with genetically associated family
history..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМЕДОВА ФИРУЗА САИДОВНА

**НОФАОЛ ГИПОФИЗ АДЕНОМАСИНИНГ НАСЛИЙ МОЙИЛ
БЕМОРЛАРДА ПАТОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib21 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг www.tma.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халимова Замира Юсуфовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Нажмутдинова Дилором Камардиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кариев Ғайрат Маратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@ mail.ru).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б. Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

С.И.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Гипофиз аденомаси бугунги кунда нейроэндокринологиянинг долзарб муаммоларидан бўлиб, дунё аҳолиси орасида тобора кўп учраётган касалликлар жумласига киради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра гипофиз аденомаси мия ўсма касалликларининг 70% ини, гипофиз аденомаларнинг 40% ини, умумий учраш сони йилига 100000 аҳолига 6 та ҳодисани ташкил этиб, эндокрин касалликлари ичида эса еттинчи ўринни эгаллайди¹. Гипофиз нофаол аденомаси (ГНА) нинг клиник белгилари йўқлиги, 10% микроаденомали соғлом аҳоли орасида кеч ташхислаш ва нотўғри даволаш натижасида тез ривожланиши, айниқса меҳнатга лаёқатли инсонлар орасида эса ногиронликка олиб келиши билан ажралиб туради. Касаллик асосан ўсма ҳажмининг катталашуви ва тарқалиш аломатларининг пайдо бўлиши босқичида аниқланиб, ирсий белгилар, турли механизмларида иштирок этадиган оксилларни кодловчи генлар полиморфизми орасидаги боғлиқлик, шунингдек қариндошлар ўртасида кўпроқ учраши муҳим аҳамиятга эга. ГНА аҳоли орасида кўриш фаолиятининг пасайиши, бош оғриғи, вегетатив тизим ўзгаришлари билан кечиби, вақтли ташхис ва даволашда қатор қийинчиликлар вужудга келтиради.

Жаҳонда нофаол гипофиз аденомаси касалликларини эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва дифференциал даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, аҳолининг турли қатламлари орасида эндокрин касалликларини эрта аниқлаш сабабларини асослаш, тизим касалликларини даволашнинг патогенетик механизмларини ишлаб чиқиш, эндокрин касалликларни эрта аниқлашда, беморларни скрининг тизимига жалб қилиш ва оптимал тактикасини танлаш, касалликнинг хавfli омилларни олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, касалликни ташхислаш ва даволашнинг асоратларини камайтиришга қаратилган алгоритмни ишлаб чиқиш, аҳоли орасида қатор эндокрин касалликларини келиб чиқиши ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Эрта ташхислашга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўрта ва катта ёшдаги аҳоли орасида эндокрин касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволашнинг самарали усуллари тадбиқ этиш, аҳоли орасида нофаол гипофиз аденомасини барвақт аниқлаш, патогенетик даволаш мезонларини такомиллаштириш ва оғир асоратларнинг олдини олиш бўйича муайян натижаларга эришилди. Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан, бугунги кунда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича муайян муаммолар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

¹ ЖССТ маълумотлари, 2014

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «касалликларнинг профилактикаси ва ташхислаш, замонавий стратегияларни қўллашни кенгайтириш, юқори малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш»² бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан бир қаторда нофаол гипофиз аденомасини ташхислаш ва даволаш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гипофизнинг аденомаси 75% ҳолатларда айнан меҳнатга лаёқтали бўлган - 20-50 ёшлилар орасида учраши илмий манбаларда келтирилган (Халимова З.Ю., 2000, Кадашев Б. А., 2007; Черемилло В. Ю., 2008; Katavelin P., 2010). Касаллик кечишини даволанишга мухтож беморлар сонини узок йиллар мобайнида ўрганиш, ушбу касаллик сони ва кўрсаткичининг бир неча маратобага ортиши кўрсатиб, ўз вақтида тўғри даволамаслик оқибатида касалликнинг ногиронликка олиб келиши исботланган (Кроненберг Г. М., 2010; Achrya S. V., 2010; Steele C. A., 2010). Илмий манбаларда келтирилишича, НГА билан хасталанган беморларни МРТ ташхисида биринчи марта аниқланган 20% беморларда 50 ой мобайнида гипофиз аденомаси ўлчами катталашганлиги ва бу хасталик болалар ҳамда ўсмирлар орасида ҳам аниқланган. Қатор текширишларнинг натижасида болалар ва ўсмирларда пролактинга боғлиқ бўлган вазиятларда гипофиз аденомаси 50% ни ташкил қилди (Sannj N., 2003; Katavelin P., 2010). Бунинг оқибатида болалар ва ўсмирлар орасида гипофиз аденомасининг интракраниал ўсмалари 2% ҳолатларда учрайди (Дедов И. И., 2006; Журтова И. Б., 2012). Ўсмирлик даврида гипофиз аденомасининг ривожланишга оид манбаларнинг чегараланганлиги асосида гиперпролактинемиянинг

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

манифестантли кечиши ҳамда болалар ва ўсмирлар орасида гипогонадизмнинг ўзига хос белгиларининг аниқланмаслиги сабаб бўлган. Аниқланишича, ПРЛ, кенг биологик самардорлиги билан ўзига хос бўлмаган клиник белгиларга эга бўлиб, бу эса ўз ўрнида касалликни ташхислаш ва болалар ўсмирлар орасида НГА учраш сонини аниқлашда қийинчиликларни келтириб чиқаради (Дедов И. И., 2004; Chanson P., 2003; Colao A., 2009; Cook D., 2005). НГА билан касалланишнинг ирсиятга боғлиқлиги узок йиллардан буён маълум ва барча ҳолатларнинг 1-5 % ни ташкил қилади (Beckers A., 2007; Monson J. P., 2000). Ҳозирги вақтда гипофиз аденомасининг ирсий хос бўлган молекуляр генетик ва клиник хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган, лекин НГА билан касалланишнинг кўпроқ даражасини эндокрин неоплазияларининг биринчи типи ва Карни комплекси ташкил қилади (Ezzati M., 2002; Brandi M. L., 2000; Krages W., 2002; Tichomirova M. A., 2009).

Маълумки, ПРЛ ва СТГ гиперсекрецияси билан кечувчи аденомаларда допамининг D_2 – рецепторлари агонисти-каберголиндан фойдаланилади. Бироқ, илмий манбаларда D_2 – допамин рецепторлари агонистларининг ГНАга таъсири тўғрисидаги маълумотлар етарли ёритилмаган, шунингдек, ГНА билан касалланган беморларда НО-тизимини фаоллаштиришда комплекс анъанавий даволаш тизимига каберголинни киритиш ушбу йўналишда амалга оширилаётган муаммонинг долзарблиги ва чуқур, кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади (Марова Е. И., 2008; Cho E. H., 2009; Kars M., 2009; Negro K., 2005).

Шундай қилиб юқорида келтирилганлар ГНА ирсий мойиллигини аниқлашда эндотелиал дисфункциянинг генетик маркерларини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, ушбу кўрсаткичлар орқали ташхислаш ва башоратлаш мониторингини ишлаб чиқиш ва касалликнинг наслдан-наслга ўтишини олдини олиш тизимини оптималлаштириш зарурлигини тақозо қилади

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Терапевтик касалликлар диагностикасида замонавий лаборатор ва инструментал текшириш усуллари қўллаш самардорлигини ўрганиш асосида даволаш усуллари такомиллаштириш» (2011-2016) мавзусида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нофаол гипофиз аденомасини оилавий анамнезига асосланган ҳолда генетик мойил беморларда ташхислаш ва даволаш тизимини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Нофаол гипофиз аденомаси оилавий анамнезида ирсий мойиллиги мавжуд ва мойиллиги бўлмаган пробандларда кузатилишини аниқлаш;

оилавий анамнезида ирсий мойиллиги бўлган нофаол гипофиз аденомаси клиник кечиши ва гормонал ҳолатини хусусиятларини аниқлаш;

нофаол гипофиз аденомаси оилавий анамнезида ирсий мойиллиги

бўлган беморларда эндотелий фаолиятининг фаоллигини ифодаловчи параметрлар ва клиник белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

нофаол гипофиз аденомасининг турли гуруҳдаги беморларда (соғлом, ирсий мойиллиги мавжуд ва мойиллиги бўлмаганлар) eNOS гени полиморфизмини қиёсий таҳлил қилиш;

нофаол гипофиз аденомаси билан хасталанган беморларда ирсий мойилликни инобатга олган ҳолда ташхислаш ва даволаш тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика эндокринология маркази, Бухоро вилоят Эндокринология диспансери ва Когон туман марказий шифохонаси эндокринология бўлимида рўйхатга олинган нофаол гипофиз аденомали, 18 дан 70 ёшгача (ўртача $44,5 \pm 3,9$) бўлган 104 нафар беморлар, назорат гуруҳига 20 нафар соғлом хохловчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети беморларнинг комплекс клиник ва инструментал- МРТ / КТ текширув натижалари ва қон зардобини (беморлар ва соғлом кишилар вена қони) таҳлил қилишни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқотни бажаришда умумклиник, биокимёвий, клиник-функционал, инструментал МРТ, КТ ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротоба нофаол гипофиз аденомаси билан хасталанган ирсий мойил беморларда NO-тизимининг генетик детерминациясининг ҳаққоний ўзгариши исботланган.

нофаол гипофиз аденомасига ирсий мойил беморларда NO-тизимининг генетик кўрсаткичлари, жумладан eNOS3ни текшириш, уларни таҳликали гуруҳларга ажратиш ва даволаш тизими такомиллаштирилган;

нофаол гипофиз аденомасига оилавий ирсий мойил беморларда касалликнинг клиник кечиш хусусиятларига қараб касалликнинг белгилари аниқланган;

нофаол гипофиз аденомасига ирсий мойил беморларда касалликнинг патогенезида eNOS3 ферменти орқали касаллик ривожланиши жараёни такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нофаол гипофиз аденомаси ирсий мойилликка эга беморларда eNOS3 генетик полиморфизми маркерини аниқланиши ушбу касаллик патогенезидаги муҳим омил эканлиги аниқланган;

ирсий мойилликнинг оилавий материалларини тўплаш ва eNOS3 полиморфизмини аниқлаш ГНА билан хасталанган беморларни таҳликали гуруҳларга ажратиш учун қўшимча омиллардан бири эканлиги аниқланган;

нофаол гипофиз аденомасига ирсий мойиллиги бўлган беморларда касалликни ташхислашда eNOS3 генетик ассоциацияланган детерминант полиморфизмини аниқланиши, касаллик оғирлик даражасини баҳолаш ва қўшимча даволаш тизими ишлаб чиқилган;

нофаол гипофиз аденомасига ирсий мойил беморларда касалликнинг

клиник кечиши, оғирлик даражасининг хусусиятлари, генетик маркерлар билан боғлиқлигини аниқлаш, касалликни башоратлаш ва унинг оқибатини тасдиқлашга ёрдам беришига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

Соғлиқни сақлаш амалиётига ташхислаш тизими, башоратлаш ва даволашни тадбиқ қилиш, ГНАга ирсий мойил беморларда касалликнинг кучайиши, асоратларини олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш муаммосининг дифференциал ечими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилган. Нофаол гипофиз аденомаси патологиясини ташхислаш ва башоратлаш мезонларни такомиллаштириш ва башоратлаш, касалликнинг ўзига хос кечишини баҳолашда хусусиятли қонуниятлар асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган хулосалар ва таклифлар заминида ГНА ирсий мойилликка эга беморларда касалликни ташхислашда eNOS3 генетик ассоциацияланган детерминант полиморфизминини аниқланиши, касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш ва қўшимча даволаш мезонини тавсия қилиш ва эндотелий фаолиятини бузилишининг муҳим хусусиятлари исботланган, шунингдек, беморларни даволашда комплекс даво муолажалари таркибига каберголин дори воситасини ирсий касалликнинг даволаш стандартига киритиш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нофаол гипофиз аденомаси ирсий мойилликка эга беморларни ташхислаш ва даволаш режасини тузиш учун ишлаб чиқилган оптимал ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва клиник амалиётда қўллаш ҳамда уларни эътиборга олган ҳолда беморларни даволашда каберголин дори воситасини амалиётга тадбиқ этилиши даволаш самарадорлигини ошириши, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайитириши, беморларнинг ҳаёт сифати ва иш қобилиятини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гипофиз нофаол аденомаси ривожланишининг нейроэндокрин, функционал-метаболик ва генетик ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Нофаол гипофиз аденомасининг ирсий боғлиқлигини ташхислаш ва даволаш» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 21 июндаги 8н-д\46-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма нофаол гипофиз аденомалари билан хасталанган беморларни эрта ташхислашда нейроэндокрин ва генетик хусусиятларни исботлаш ҳамда

касаллик асоратларини олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишга имкон берган;

нофаол гипофиз аденомаси билан хасталанган беморларни эрта ташхислаш, даволаш ва касаллик асоратларини бартараф этиш борасида тавсия этилган башоратлаш тизими Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий эндокринология маркази, Бухоро вилоят эндокринология диспансери, Бухоро вилояти Когон туман тиббиёт бирлашмаси клиник шифохонаси эндокринология бўлимларида тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 03 ноябрдаги 8Н-з\30-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқотнинг клиник амалиётга жорий қилиниши даволаш самарадорлигини оширган, касалликнинг тарқалишини камайтириб, касаллик туфайли ногиронликни олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нофаол гипофиз аденомасини ривожланишини башоратлашнинг замонавий тенденцияси**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолати таҳлил этилган. Муаммонинг назарий аспектлари таҳлил қилинган ва илмий изланиш натижалари тизимлаштирилган, эндотелий дисфункцияси ва гипофиз нофаол аденомаси патогенезининг асосий бўғинларига бағишланган. Шунингдек, касаллик ривожланишининг ўзига хослиги ва ўрни, касаллик профилактикаси ва ташхислашда мавжуд усуллар, уларнинг ижобий ва салбий томонлари таҳлил қилинган ҳамда наслий омиллари ўрганиб чиқилган. Ўрганилаётган муаммо

бўйича адабиётлар таҳлили асосида жиддий ёндашувни талаб қилувчи бир қатор масалалар аниқланган, мавзунинг долзарблиги ва ўрганилишининг зарурати асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Нофаол гипофиз аденомасини ташхислаш ва башоратлашнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари, тадқиқотда иштирок этган беморлар сони, баҳолаш усуллари тавсифлаб берилган, шунингдек фойдаланилган статистик усуллар ва уларнинг ишончилигининг материаллари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар гипофизнинг нофаол аденомаси билан хасталанган 104 нафар беморда ўтказилган. Беморлар 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган (ўртача ёши $44,5 \pm 3,9$ ёш). ГНА билан касалланиш даражаси биринчи даражали қариндошларда (ота-она, туғишган ака-ука, опа-сингил, болаларда) кузатилиши аниқланган. Оилавий анамнезнинг ўта мураккаб ва оғир ҳолатларда бўлиши учун ушбу касаллик билан оғриган икки ёки ундан кўп қариндошларда мазкур касаллик белгилари аниқланиши мураккаб ҳисобланади.

ГНА билан оғриган беморларни бошқа касаллик, жумладан пролактинома, соматотропинома ва гонадотропиномалар, Иценко-Кушинг касаллиги, тироетропиномалар, гипогонадизм, нур ташхиси билан оғриган ва биргаликда учровчи эндокрин касалликлар (жумладан қандли диабет) билан оғриган бемор кўрсаткичлари билан таққосланади ва белгиларнинг учрамаслиги қайд қилинди. Булардан ташқари MEN I неоплазияси ва CNS генлари билан мутация ҳолатлари ҳам истисно қилинди.

Статистик ҳисоб-китоблар Microsoft Windows дарстурли муҳитда Microsoft Excel-2007 ва Statistica version 6.0, 2003 дастур пакетларининг ишлатилиши орқали ўтказилган. Олинган маълумотлар диссертацияда $M \pm m$ кўринишида акс эттирилган, бунда M — вариацион қаторнинг ўртача қиймати, m — ўртача қийматнинг стандарт хатоси. Мустақил танловлар орасидаги фарқларнинг аниқлиги Манн-Уитни ва Стьюдент усули ёрдамида, динамикани баҳолашда жуфт қаторларда Вилкоксон мезони ишлатилган. Мустақил танловлар орасидаги корреляцион боғлиқлик (r) Спирмен усулини қўллаш ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотлардан олинган натижаларга Pentium IV компьютеридаги Microsoft Office Excel 2013 дастурий тўплами ёрдамида ҳамда ўрнатилган статистик ишлов беришдан фойдаланилган ҳолда статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Нофаол гипофиз аденомасини ташхислашда ирсий боғлиқлигининг ўзига хослиги**» деб номланган учинчи бобида ГНА нинг мураккаб оғир кўринишидаги ирсий пробандларида оилавий агрегациясини учраш даражаси баён қилинган. ГНА ли 83 бемор (79,8%) тадқиқотнинг биринчи гуруҳига киритилди. Уларнинг яқин қариндошларда, яъни ота-она, ака-ука, опа сингилларида ГНА билан касалланмаганлиги маълум бўлди. 21 нафар (20,2%) бемор эса 2-гуруҳни ташкил қилиб, уларда оилавий ирсий мойиллик ҳолатлари аниқланган. Улар олти оила вакиллари бўлиб, уларнинг барчасида гипофиз аденомасининг учраш даражаси маълум бўлди.

Беморларнинг умумий ҳолати таҳлил қилинганда биринчи ва иккинчи гуруҳда ҳам кўпинча аёллар бу касаллик билан кўпроқ хасталаниши маълум бўлди. Биринчи гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши $36,1 \pm 11,6$ ёш, иккинчи гуруҳ- $44,5 \pm 13,2$ ёшни ташкил қилди.

Мураккаб бўлмаган, оғирлашмаган оилавий анамнез билан боғлиқ бўлмаган ГНА лар билан оғриган беморларнинг асосий қисми 18 ёшдан 50 ёшгача 84,3%, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар 34,9% ни, 50 ёш ва ундан катталар эса 15,7% ни ташкил этди. Бу беморлар орасида мазкур касалликка ирсий мойиллар 18 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар энг кам қисмини 9,5%ни ташкил этди, учдан бир қисми 30-40 ёшлилар бўлиб, улар 38,2% ва 50 ёш ва ундан катталар қолган учдан бир қисмини 33,3% ташкил қилди.

Оилавий анамнезли ГНА беморларда касаллик мураккаб кечиши билан бирга йўлдош омилларни учраш даражаси тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар олинди. Масалан, ошқозон-ичак тизими касалликлар анамнези таҳлил қилинди, улардан 8 нафари, бу (38,1%)ни, уларнинг орасида 6 нафар бемор сурункали гастрит, 2 нафар бемор меъда- ичак ва 12 бармоқли ичак яраси касаллиги билан хасталанганлиги аниқланди; сурункали гепатит билан оғриган беморлар эса 7 нафарни (33,3%) ни ташкил этди. Касаллик анамнезида 2 нафар беморда бош мия жароҳатланиши аниқланган, бу 9,5% ни ташкил этди. Тадқиқотда иштирок этган беморларнинг тўртдан бир қисми сурункали стресс ҳолатида бўлган ва 6 нафар (28,6%)ни ташкил этди, мазкур беморлар эса доимий равишда кучли таъсир этувчи дори воситаларини истеъмол қилишган. Чекиш даражаси ўрганилганда (асосан носвой) бу 3 (14,3%)ни, спиртли ичимликлар истеъмоли эса 3(4,8%)ни ташкил қилиши маълум бўлди. Назорат остига олинганларнинг асосий қисми қишлоқда яшаши ва мутассил равишда оғир жисмоний меҳнат–деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиши маълум бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилувчи гуруҳлардаги ГНА лар билан оғриган беморларда учраган омиллар ва йўлдош касалликлар.

Белгилар	1 гуруҳ, n =83		2 гуруҳ, n =21		Жами, n =104	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Ошқозон-ичак тизими касалликлари	12	14,5	8	38,1	20	19,2
Жигар касалликлари	15	18,1	7	33,3	22	21,2
Бош мия тизими касалликлари	11	13,3	2	9,5	13	12,5
Сурункали стресс	18	21,7	6	28,6	24	23,1
Чекиш	13	15,7	3	14,3	16	15,4
Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш	3	2,6	3	4,8	6	5,7
Кучли дориларни ичиш	22	26,5	3	14,3	25	24,0
Яшаш шароити						
Қишлоқда яшовчилар	69	83,1	14	66,7	83	79,8
Шаҳарда истиқомат қилувчилар	28	33,7	7	33,3	35	33,7

Нейровизуализацион (КТ/МРТ) текширишлар натижасида олинган маълумотларга асосан беморларнинг кўпчилигида 62 нафар(65%) қисмида макроаденома, 38 тасида (36,5%) микроаденома ҳолати кузатилди. Беморлардан фақат икки нафаридагина (9,5%) гигант аденома касаллиги аниқланди (2-жадвал).

2 жадвал

Ўсма ҳажмига кўра беморлар тақсимооти

Хосиланинг ўлчами	1 гуруҳ, n =83		2 гуруҳ, n =83		Жами, n =104	
	абс	%	абс	%	Абс	%
Микроаденома	30	36,1	8	38,1	38	36,5
Макроаденома	53	62,7	11	61,9	65	62,5
Гигант	0	0	2	9,5	2	1,9

Клиник изланишлар натижасида шу нарса аниқландики, ГНА билан оғриган беморлар, айниқса микроаденома билан оғриган беморларда мазкур касалликка хос бўлган белгилар кузатилмайди. Шунинг учун ГНА ташхисини қўйиш учун тор доира мутахассислари, жумладан офтальмолог, невропатолог, гинеколог, уролог ва терапевтлар жалб қилинди. Амалий жиҳатдан ГНА ташхисини қўйиш тасодифан, асосан чуқур клиник лаборатор текширишлар, КТ ва МРТ- таҳлиллар натижасида қўйилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўсма ҳажмини микроаденомадан макроаденомага ўтиб кетиши натижасида беморларда кўриш фаолиятининг бузилиши, (кўриш ўткирлигининг пасайиши, кўриш майдонининг қисқариши) жинсий фаолиятининг бузилиши, неврологик ва умумий соматик шикоятларни пайдо бўлиши намоён бўлади. ГНА беморларига ташхис қўйишда қон таркибидаги гипофизар гормонлар- ФСГ, ЛГ, ТТГ, СТГ, АКТГ миқдори ва уларнинг кўрсаткичлари 3- жадвалда келтирилган.

3-жадвал

ГНА билан оғриган беморларнинг таққослаш гуруҳларида қон таркибидаги гипофизар гормонлар миқдори

Гуруҳлар	ФСГ, МЕД/л	ЛГ, МЕД/л	ПРЛ, ПГ/мл	ТТГ, мМЕД/л	СТГ, МЕД/л	АКТГ, ПГ/мл
1 гуруҳ, n=83	3,9±0,2	3,10±0,1	27,5±0,5*	2,5±0,1	1,8±0,1	27,9±0,7
2 гуруҳ, n=21	3,4±0,2*	2,8±0,1*	55,3±1,3	2,3±0,1*	1,6±0,1*	25,6±0,5*
Назорат гуруҳи	4,1±0,2	3,5±0,2	12,3±0,4	2,6±0,2	1,9±0,1	27,9±1,1

Изох: * - аниқлик, P<0,05

3-жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, биринчи гуруҳга кирувчи беморларда (ПРЛ кўрсаткичларидан ташқари) гипофизар

гормонларнинг барча кўрсаткичлари сезиларсиз даражасида, иккинчи гуруҳга кирувчи беморларда эса ФСГ, ЛГ, ТТГ, СТГ, АКТГ нинг статистик кўрсаткичлари назорат чегарасидан сезиларли даражада пастлиги аниқланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи ва иккинчи гуруҳга кирувчи беморлар қони таркибидаги ПРЛ миқдорнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлиги, яъни ишончли тарзда 27,5пг\мл ва 55,3пг\мл.ни ($P<0,001$ ва $P<0,001$) кўрсатди. Ушбу натижалар билан бир қаторда таққосланувчи гуруҳдаги беморлар қон таҳлилида ФСГ, ЛГ, ТТГ, СТГ, АКТГ кўрсаткичлари ўзаро бир-биридан сезиларсиз даражада фаркланади. Шу билан бир қаторда 2 гуруҳга кирувчи ГНА беморларининг ПРЛ кўрсаткичлари биринчи гуруҳга нисбатан 29 %га, ($P<0,001$) юқори бўлиши аниқланди.


Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қон таркибидаги ФСГ, ЛГ, ПРЛ, ТТГ, СТГ, АКТГ кўрсаткичлари гипофиздаги аденома ўлчамига, босим эффекти, ГНА билан оғриш ирсий мойилликка ҳам боғлиқ бўлади. Спорадик ва ирсий ГНА билан оғриган беморлар гуруҳларида аденома ўлчами 10 мм.гача бўлган ҳолларда гипофиз гормонларнинг барча кўрсаткичлари (ПРЛ ва ирсий мойиллик гуруҳидан ташқари) меъёр даражасидан сезиларсиз фарқи аниқланди. Шу билан бир қаторда ирсий мойиллик гуруҳига кирувчи ГНА беморларида ўсма ўлчами 10 мм дан ортиқ бўлганда, шунингдек гигант ўсмаларни учраш ҳолати юзага келганда қон таркибидаги гипофизар гормонларининг миқдори назорат гуруҳларидан фарқ қилиши аниқланди. ($P<0,01$). Гигант аденомали спорадик ГНА ларда ҳам шундай ҳолат қайд этилди. ГНА билан оғриган беморларнинг ирсий мойиллиги мавжуд бўлган ҳолатларда беморларнинг қон таркибида ФСГ, ЛГ, ТТГ, СТГ ва АКТГ ҳамда ПРЛ миқдори катта аҳамиятга эга бўлди ва бу ҳолат спорадик кўринишдаги ГНА беморларида ҳам бир ҳил кўрсаткичга эга бўлади.

Нейроэндокрин бузилишлар билан кечувчи касалликлар билан оғриган беморлар қонида ПРЛ миқдорини юқори даражада бўлиши ГНА билан оғриш ҳолатининг ирсий мойиллиги билан изоҳланиши мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда ГНА билан оғришнинг спорадик ва ирсий мойиллиги билан кечувчи беморларда касалликнинг клиник кечиши ва қон таркибидаги ПРЛ миқдори мунтазам равишда ўрганилиши ва бунда ўсма ўлчамларига ҳамда касалликнинг клиник белгиларига ҳам эътибор берилиши керак. Маълум қонуниятларга қарамасдан микроаденомали ўсмаларининг ўлчами, қон плазмасидаги ПРЛ даражасини ортиши ўрганилганда, улар ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланмади, бу ҳолатни касалликнинг клиник белгиларига ҳам нисбатан ишлатилиши мумкин. Макроаденома билан оғриган беморларда эса қон плазмаси таркибидаги ПРЛ миқдори билан аденома катталиги ўртасида кучли корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди.


Шундай қилиб, макро- ва микроаденоманинг спорадик турдаги беморларда клиник белгилар ўсманинг катталашиши билан аниқланади, оилавий-ирсий мойиллик билан боғлиқ бўлган беморларда эса ўсманинг катталашиши гормонал бузилишлар билан намоён бўлади. Шунга қарамасдан

ГНА билан оғриган беморлар қонидаги ПРЛ миқдори ўта юқори даражадаги концентрациясининг аниқланиши шифокор учун хабар вазифасини бажариши ва шифокор бундай беморни оилавий-генетик мойиллик гуруҳига киритиши, бу беморни ташхис мониторинг алгоритмига киритиши ҳамда уларда гипофизнинг МРТ, КТ текширувини ўтказилиши кайд этилди.


Аниқланган наслий авлодлар орасидаги боғланишни боғловчи наслий мойилликдан кўриниб турибдики, наслий мойил бўлмаган ГНА билан хасталанган беморларда ота-онасининг соғлом бўлиши аёл авлодларнинг туғилиши устунлиги 3:1 нисбат билан кечган. Бундан кўриниб турибдики, аёлларда ГНАнинг учраш эҳтимоли эркакларга нисбатан юқори бўлади (1-расм).



1-расм. Ота-онаси ГНА билан касалланмаган 4 оиланинг насабномаси



2-Расм. Пробандларнинг оталари ГНА касал бўлган 4 оиланинг насабномаси



3-Расм. Пробандларнинг оналари ГНА касал бўлган 2 оиланинг насабномаси.

Ирсий мойил гуруҳда эса эркак ва аёл йўналишида эркак бемор бўлса, уларнинг ўзаро нисбати 27:12 ни (4 нафар эркак, 8 нафар аёл) ташкил этади (2 расм).

Она томонидан касаллик ҳолатлари юзага келса, бу нисбат 10:3 ни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, аёллар авлодида катта фоизни ташкил этади (2-3 расмлар) иккинчи гуруҳда эркаклар ва аёллар бундай аёл жинсига мансуб авлодларда эркакларга нисбатан 2,5 марта кўпроқ учрайди.

Ирсий мойил беморлар гуруҳида белгиларнинг тенг тартибда ГНА билан хасталанган, ота-онаси соғлом авлодлар орасида эса аёлларнинг эркакларга нисбатан, яъни мутант геннинг аёллар йўналиши бўйича доминант устунлиги кузатилди. ГНА ўзининг этиологик сабабларига кўра бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади, уларга спорадик ва оилавий мураккаб анамнез билан боғлиқ гуруҳларни мисол қилиш мумкин. Бунда доминант сифатида аёл организми ҳисобланади. Булардан кўриниб турибдики, ген билан боғлиқ ГНАларни учраш даражаси жинс билан боғлиқ бўлади.

Оилавий ирсий ГНА касаллигини клиник-генетик текширишда таққосланувчи популяцион гуруҳларда касалликнинг клиник симптоматик фарқланиши аниқланди. Шунинг билан тахмин қилиш мумкинки, касалликнинг фенотип полиморфизми мутант генининг турли даражадаги экспрессивлигига боғлиқ бўлади. Шу билан бир вақтда ўтказилган генеологик таҳлил натижасига кўра оилавий мойиллиги бор ГНА беморларида генетик гетерогенлик борлигини тахмин қилиш мумкин. Биз аниқланган ГНАнинг ирсий белгиларига кўра фарқланган типига кирувчи беморларни кейинчалик текширилиши керак бўлган гуруҳ таркибига киритиш ва улар устидан мунтазам мониторинг олиб бориш, ҳамда улар билан даволаш профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Ўтказилган гуруҳда доминант, жинс билан боғлиқ бўлган ирсий боғлиқлик ўрганилди. ГНА наслий мойил шаклидаги беморларда аутосом-доминант ген айниқса жуда кўп ҳолларда учрайди. ГНАнинг пайдо булишига ташқи муҳитнинг салбий омиллари, шунингдек бирга учровчи касалликларнинг ҳам таъсири катта.

Оилавий ирсий ГНАнинг генетик гетерогенлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир оилада ушбу патологик ҳолатни ўрганишга индивидуал ёндошиш зарурлиги маълум бўлди. Бу ҳолат оилада болаларни мазкур касаллик билан

туғилиш ҳолатини олдини олишдаги муҳим профилактик чора-тадбирлар ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Нофаол гипофиз аденомаси билан касалланган беморларда азот оксиди синтаза ферментининг ирсий боғлиқликда ўзига хослиги**» деб номланган тўртинчи бобида ирсий омилларни аниқлаш азот оксиди синтаза ферментини мутацияси натижалари келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, оилавий ирсий гуруҳ маълумотларини ўрганишда 4a/4a генотипи (1,4 марта; $P < 0,01$) ва 4a аллели (1,3 марта $P < 0,01$ марта), муҳим аҳамиятга эга. Бу эса полиморф маркер ҳисобланган eNOS 4a/4b, e NOS3 ген кандидатларининг яққол боғланиши билан кечиши ва ГНАнинг ирсий ҳолатларида юзага келишига сабаб бўлади. Беморларнинг оилавий анамнезига кўра касалликнинг ирсий турига оид маълумотлар таққосланганда eNOS3 гени билан кодланган 4a/4a ва 4a аллел гени таъсирида бош мия ичи гемодинамикаси, паракрин ўзгаришлар ва аденогипофиз тўқимасининг гиперплазиясини юзага келиши тахмин қилинди.

Олинган натижаларга кўра ГНА билан оғриш eNOS генининг мавжудлиги сабабли юзага келади. eNOS3нинг генлар таъсирида кодланиши, генетик полиморфлиги тўқималар структурасига ўз таъсирини кўрсатади ва натижада тўқималарнинг гипертрофияси ёки гиперплазиясига олиб келади. Бунинг натижасида эса ГНА билан оғриган беморларга макроаденома ёки гиперплазия ҳолатлари юзага келади. Ташқи муҳит омиллари таъсирида юзага келувчи eNOS3, полиморф генлар маркерини ўрганиш таҳлил қилинганда уларнинг амалий аҳамиятини, ГНА лар кечишини индивидуал ўрганиш, eNOS3 генини ташхислаш ва баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.


Олинган маълумотларга кўра 4a/4a генотипи ва 4a аллели омиллари мавжудлиги прогностик жиҳатдан салбий омил ҳисобланади, айниқса ирсий касалликларга чалинган беморларда даволашнинг тактикасини танлашда шу ҳолатларни эътиборга олиш зарур. ГНАнинг оилавий анамнез гуруҳига кирувчи беморлардан олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, эритроцит мембраналаридаги ўзгариш аҳамиятли бўлиб, бу қуйидагича намоён бўлган: NO 22% ($P < 0,001$) ва eNOS–30,5% ($P < 0,001$), eNOS ген фаоллигининг ошиши eNOS–43,7% ($P < 0,001$), ва шунингдек цитотоксик хусусиятга эга ONO–35,7% ($P < 0,001$).га ўзгариши аниқланган.

Бизнинг фикримизча, ONOни экспрессияси iNOS фаоллик даражасига боғлиқ бўлади. Шундан, iNOS таъсирида NO миқдори юқори бўлиб, бу eNOSга нисбатан бир неча бор ортиқ. Тадқиқотлар натижасида NO ва eNOS кўрсаткичлари паст. Шуни таъкидлаш лозимки, генетик детерминланган нейронал NOS миқдори ГНАни юзага келишига сабаб бўлувчи омиллар қаторига киради.

Олинган маълумотлар таҳлилига кўра, ГНА билан оғриган беморларда NO миқдорини камайиши кузатилади.

ГНА эхтимоллий патогенезининг жараёни 4-расмда келтирилган.

Олинган маълумотларга кўра ГНА этиологиясида оилавий ирсий мойиллик анамнези муҳим бўлиб, бу касалликни юзага келишида организмга таъсир этувчи ташқи ва ички омилларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ.




4-расм. ГНА эҳтимолий патогенези жараёни.

Мазкур омиллар таъсирида eNOS3 геннинг мутацияси ва азот оксидидаги бириктирув боғламларининг бузилишлари юзага келади. Юзага келган дисбаланс натижасида қон таркибида кислород миқдори камаяди, мазкур ҳолат ONO субстратини ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга. ONOнинг экспрессияси нейрогормонал дисрегуляциясини юзага келтиради, бу пролифератив жараёнларни кучайтириб ГНА ривожланишига сабаб бўлади. eNOS 4a/4b ва 4a аллелининг муҳим хусусиятларини инобатга олиб, ГНА касаллигининг генезида каберголин даво воситасининг таъсири ўрганилди. Бунда NO тизимнинг фаоллиги ва касалликнинг клиник кўрсаткичлари 3 ойлик даво давомида таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра, каберголин эритроцит мембраналаридаги таркибидаги NO даражасига, eNOS ферментлари фаоллиги ва наслий мойил беморларнинг қони таркибидаги ONO миқдorigа ижобий таъсир кўрсатди. Мазкур кўрсаткичларни ирсий мойил шаклидаги ГНАларда юқори даражада бўлиши аниқланди. Бунда ГНА билан хасталанган беморлар гуруҳида каберголин самарадорлигини NO тизимга позитив боғлиқлиги ва бундай беморларда шикоятларнинг камайиши кузатилди. Ушбу маълумотлар MPT текширишлар билан ҳам тасдиқланди.

Каберголин билан 3 ой давомида олиб борилган даволаш натижасида беморларда NO тизимининг фаоллик даражаси сезиларли даражада юқори бўлиши аниқланди. Бунда кўрсаткичлар қуйидаги кўринишда намоён бўлди: NO ва eNOS – 23,5% ($P < 0,01$) ва 52,6% ($P < 0,001$), шунингдек iNOS ва ONO кўрсаткичи 52,9 ва 36,2%га камайди. ($P < 0,01$).

Эҳтимол каберголин билан даволашнинг самараси кўп миқдорда беморларда NO метаболитларининг камайишига ва iNOS гиперэкспрессиясига сабаб бўлади. Бу ҳолат, айниқса 1- гуруҳ беморларига хос булиб, eNOS ферментлари фаоллигининг ҳамда NO миқдорининг ортиши билан кечади. Каберголин препаратининг яққол намоён бўлувчи таъсири NO тизимининг фаоллигидаги позитив ўзгаришларда намоён бўлди. Бироқ, ирсий мойиллиги бўлган беморларда клиник ва MPT кўрсаткичларининг яхшиланишини ҳисобга олган ҳолда уларни бош миёдаги томирлар эндотелийсидаги NO тизимининг метаболит фаоллигининг қайта тикланиш механизми билан боғлиқ.

Шундай қилиб, ўтказилган изланишлар таҳлили ирсий ГНА да eNOS генининг 4a/4b минисателлити ва 4a аллелига боғланган генетик гуруҳи мавжудлигини кўрсатди. ГНА беморларда боғланишни юқори даражасига эга бўлган 4a аллел ва 4a/4b, 4a/4a генотиплари эндотелий дисфункцияси ривожланиши хавфини сезиларли маркерлари ҳисоблашади, 4b аллели ва 4b/4b генотипи ташувчанлиги эса аксинча, эндотелий дисфункциясига хавфсизлиги билан исботланади. Бизнинг тадқиқотларимизда олинган натижаларга асосан 4a аллели ва 4a/4a генотипининг мавжудлиги ташхисий ва башоратловчи салбий омил ҳисобланишини ГНА билан касалланишини ирсий эҳтимоли мавжуд бўлган касалланишни аниқлаш, уларни текшириш мониторингини ўтказиш ва даволаш тактикасини қўллашда ҳисобга олиш лозим (5-расм).



5-расм. ГНА оилавий анамнезли касалларни ташхис алгоритми.

Таклиф қилинган кетма- кетликка биноан, оилавий анамнезнинг чуқур таҳлили нафақат нейроэндокринолог, балки бошқа мутахассисларнинг иштироки билан ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шажаравий анамнез аниқланган ҳолда маълумотлар гипоталамус-гипофиз тизимнинг вазифасини ифодаловчи омиллар, қонда ФСГ, ЛГ, ПРЛ, ТТГ, АКТГ гормонларининг аниқланиши, шунингдек, КТ ва МРТ таҳлиллари билан тасдиқланади. ПЦР таҳлили ёрдамида ГНА авж олишини салбий ва ижобий башоратидаги NO тизимини фаоллигининг тутган ўрни, эндотелий дисфункцияси ривожланиш хавфининг юқори ёки пастлиги баҳоланади.

Олинган натижалар таҳлили асосида якуний ташхис қуйидаги ГНА билан боғлиқ оилавий-ирсий муқобиллик мавжудлиги аниқланади. Бу эса ўз навбатида ГНА билан оғриган беморларнинг барча оила аъзоларини мониторинг режасига, ГНА ривожланиши хавфи мавжуд гуруҳига қўшилишининг эритроцитлар мембранасидаги NO даражаси, eNOS фаоллиги, iNOS ферменти экспрессияси ва ONO миқдорини билган ҳолда даволаш усули ва стратегиясини ишлаб чиқишдаги ўрнини асослаб берди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш тизими учун генетик хавфни аниқлаш шифокор учун асосий кузатув бирлиги ҳисобланган оила, яъни оилавий тиббиётнинг етакчи ғоясини, шунингдек эндотелий дисфункцияси башорати ва хавфига кўра беморларни турлича даволашни тавсия этади. Даволаш самарадорлигини касаллик белгиларининг клиник кўринишига кўра баҳолаш мумкин.

Таклиф этилаётган кетма-кетлик тиббиётнинг бирламчи тизими хизматини ташкиллаштиришда ҳудудий тамойили билан мувофиқлаштирилади. Ирсий мойил беморлар учун ГНАнинг тиббий генетик башоратида касалликнинг учраш даражасини юқори бўлиши, диспансеризацияси ва бирламчи профилактикаси муҳим аҳамиятга эга. ГНАнинг оилавий анамнези бўлган беморларда ирсий белгилар ўрганилаётганда қуйидагиларга риоя қилиш зарур: ирсий типни аниқлаш (аутосом доминант ва рецессив); оила аъзоларини шажара асосида текшириш; клиник кечиш хусусиятларига ва ўтказилаётган муолажаларга баҳо бериш; ёши ва жинси; ПРЛнинг қондаги миқдорини аниқлаш.

Олинган натижалар асосида ГНАнинг генетик вариантларини аниқлаш, бу касалликнинг ривожланиш хавфини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлашимиз жоизки, ГНАнинг генетик вариантларини кўпайиши ва уларнинг эрта аниқланиши, унга мос муолажа ва стратегия танлашга, ҳамда тизимли мониторинг ўтказиш, бирламчи даво кўрсатиш, шу билан бирга оғир асоратларни олдини олиш ва касалликни эрта аниқлаш имконини беради. Ўтказилган таҳлиллардан олинган натижаларга асосан оилавий анамнезсиз ГНА касаллигини аниқлаш кўп вақт талаб этади. Бу эса даволаш муолажалари ва профилактик тадбирларни ўтказишни кечиктиради. Шунинг учун ирсий омиллар аҳамиятини ўрганиш ГНА беморларида генетик омилларни дефференциал ташхис остида замонавий нейроэндокринологиянинг долзарб ва муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

ХУЛОСА

«Нофаол гипофиз аденомасининг наслий мойил беморларда патологик ривожланиш механизми» мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бемор ота-она авлодидан жинс орқали бириктирилган авлодларнинг индивидуал баҳолашдан иборат таҳлилдан кўриниб турибдики, ирсий мойил беморларда эркаklar ва аёллар нисбати, онаси ГНА билан касалланганда 10:3 ни, (3 та аёл), отаси касалланганда 27:12 та (4 нафар эркак, 8 нафар аёл) ота-онаси соғломларда 24:4 (4 та эркак, 8 та аёл) ни ташкил қилади, бунда аёл жинсига мансуб авлодларда эркаklarга нисбатан 2,5 марта кўп учради, яъни мутант геннинг аёллар йўналиши бўйича доминант устунлиги исботланди.

2. Эндотелий дисфункцияси ривожланиш механизмининг ГНА беморларида eNOS гени минисателлити 4a\4a ҳамда 4a аллели борлиги муҳим омил ҳисобланиб, эндотелий дисфункцияси ривожланиш хавфи намоёнлиги билан юқори даражада боғлиқ бўлиши аниқланди. Ушбу омилнинг мавжудлиги касалликнинг салбий башоратидан дарак беради. ГНА ирсий мойил беморлари гуруҳида учрайдиган 4b/ 4a генотип ва 4b аллелни ташиш эндотелий дисфункциясининг пасайган хавфи билан боғлиқлиги, тўғри танланган даволаш тизимининг ўтказилиши билан биргаликда касалликнинг ижобий кечиши ҳам асосланди.

3. Ирсий мойил нофаол гипофиз аденомаси билан хасталанган беморларда ҳужайралар мембраналарининг NO тизимида муҳим дисбаланс аниқланган. Бу NOнинг статистик муҳим пасайиши, ONO_2^- цитотоксик боғламнинг миқдори iNOS ферментининг гиперэкспрессияси вазиятида eNOS фаоллигининг пасайиши билан намоён бўлди, бу эса ГНА патогенезида эндотелийнинг дисфункцияси ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

4. Каберголин билан уч ойлик муддатда даволанишдан кейин даволаш самарадорлиги касалликнинг клиник симптомлари ва ГНА ирсий мойил беморларда эритроцит мембранасидаги NO-тизими кўрсаткичларига ижобий таъсир қилиб, NO даражасини ва eNOS фаоллиги ошишига iNOS пасайиши, ONO_2^- таркибининг камайиши билан боғлиқлиги кузатилди.

5. Гипофиз нофаол аденомаси билан хасталанган беморларни барвақт аниқлаш учун ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми қўлланилганда, уларнинг оилавий анамнезида касалликка юқори хавфи бўлган шахсларни аниқлаш ва диспансер назоратига олиш касаллиқни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга имкон яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАМЕДОВА ФИРУЗА САИДОВНА

**ПРОГНОСТИЧЕСКАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ФУНКЦИИ
ЭНДОТЕЛИЯ У БОЛЬНЫХ НЕАКТИВНОЙ АДЕНОМОЙ
ГИПОФИЗА С ГЕНЕТИЧЕСКИ АССОЦИИРОВАННЫМ
СЕМЕЙНЫМ АНАМНЕЗОМ**

14.00.03 - Эндокринология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Tib21.

Диссертация доктор философии (PhD) выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках(узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziynet.uz.

Научный руководитель:	Халимова Замира Юсуфовна доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	Нажмутдинова Дилором Камардиновна доктор медицинских наук, профессор Кариев Гайрат Маратович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита состоится «___» _____ 2017 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией доктор философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №___). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби - 2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(протокол рассылки №___ от «___» _____ 2017 г.).

А. Г. Гадаев
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.м.н.,
профессор

Б. Х. Шагазатова
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.м.н.,
профессор

С.И.Исмаилов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Аденома гипофиза является одной из наиболее актуальных проблем нейроэндокринологии и эндокринологии в целом. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), аденомы гипофиза составляют до 70% опухолей головного мозга 40% всех новообразований гипофиза и 6 случаев на 100 000 населения в год и занимают седьмое место среди эндокринных заболеваний. Отсутствие клинических симптомов неактивной аденомы гипофиза (НАГ), быстрое прогрессирование болезни из-за поздней диагностики и неправильного лечения у 10% лиц с микроаденомой среди здорового населения, и вследствие этого повышает инвалидность среди трудоспособного населения. Болезнь чаще всего диагностируется на этапе увеличения размера опухоли и возникновения симптомов прорастания аденомы, а также наследственными факторами, связь полиморфизма кодирования белков, участвующих в различных механизмах, а также наиболее часто выявляется родственная связь. НАГ связана со снижением зрения, головными болями и изменением в вегетативной системе и может привести к некоторым затруднениям в лечении.

В мире проводится ряд исследований с целью достижения высокой эффективности ранней диагностики неактивной аденомы гипофиза в структуре эндокринных заболеваний среди различных слоев населения, разработка патогенетических механизмов их для лечения, раннего выявления эндокринных заболеваний, привлечение пациентов в скрининговую систему и подбор оптимальной тактики, разработка системы профилактики заболеваний и усовершенствование мероприятий, направленных на профилактику возникновения эндокринных заболеваний среди населения и улучшение качества жизни населения.

За годы независимости в нашей стране была радикально обновлена система здравоохранения. В результате обширных программ раннего выявления были достигнуты определенные результаты для своевременного выявления эндокринных заболеваний среди населения среднего и пожилого возраста, внедрения эффективных методов лечения, раннего выявления неактивной аденомы гипофиза, улучшения критериев патогенетического лечения и профилактики тяжелых осложнений. Несмотря на принятые меры, все еще есть проблемы с улучшением качества предоставляемых населению услуг в сфере здравоохранения. В соответствии со Стратегией действий развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. в пяти приоритетных направлениях основные цели изложены в «... профилактике и диагностике заболеваний, расширении использования современных стратегий, предоставлении высококвалифицированных и качественных медицинских услуг». Необходимо подчеркнуть, что помимо улучшения качества медицинских услуг, также необходимы углубленные исследования по диагностике и лечению неактивной аденомы гипофиза.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-1652 от 28 ноября 2011 года «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения», № 3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий Республики Узбекистан V. «Медицина и фармакология».

